



«EKOLOGIYA VA ATROF MUHIT MUHOFAZASI
MUAMMOLARI VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI»
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya



**Самарқанд вилоятининг тупроқ – иқлим шароитларига мос янги ва
истикболли ғўза навларининг экологик нав синови.**

Ж.Саидов, Ҳ.Меликов, Ғ.Дияров.

Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехникалари илмий
тадқиқот институти, Самарқанд илмий тажриба станцияси.

Аннотация; Ушбу мақолада келтирилган дала тажрибасида республикада
селекционер олимлари томонидан яратилган ва районлаштирилиб экилиб
келинаётган ғўза навлари бўйича ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлиги
кўп йиллик кузатувлар натижасида олинган маълумотлар тўлиқ келтирилган.
Ушбу олинган маълумотлар асосида вилоятимиз тупроқ иқлим шароитида мос
ғўза навларини тўғри танлаш ва экишни режалаштириш имкони мавжуд.

Аннотация; В статье приведены данные полевого опыта представлено
полностью, представленном в данной статье, информация, полученная в
результате многолетних наблюдений за ростом, развитием и урожайностью
сортов хлопчатника, созданных селекционерами нашей республики и
выращиваемых в регионах, представлена в полном объеме.

На основе этих полученных данных можно правильно выбрать сорта
хлопчатника, подходящие для почвы и климата нашего региона, и спланировать
посадку.

Annotation; In the field experience presented in this article, the information
obtained as a result of long-term observations of the growth, development and yield of
cotton varieties created by breeders of our republic and grown in the regions is
presented in full. Based on these data obtained, it is possible to correctly select cotton
varieties suitable for the soil and climate of our region, and plan planting.

Маълумки қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, етиштириладиган
маҳсулотлар миқдорини ҳосилдорликни ошириш эвазига кўпайтириш, қишлоқ
хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга
интенсив технологияларни жорий этиш, ҳар бир минтақанинг ўз тупроқ-иқлим



«EKOLOGIYA VA ATROF MUHIT MUHOFAZASI
MUAMMOLARI VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI»
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya



шароитига мос келадиган янги серхосил навларни яратиш ва уларни илмий асосланган тавсиялар асосида ишлаб чиқаришга жорий этиш шу куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз Президенти ҳам барча селекционер олимлар олдига ҳар бир вилоятнинг ўз тупроқ-иқлим шароитига тўлиқ мос келадиган навлар устида иш юритиш ва ишлаб чиқаришга янги навларни тавсия этишда илмий асосланган технологияларни жорий этиш вазифасини қўйган эдилар.

Республикамизда шу мақсадда пахтачилик соҳасида кўпгина селекционер олимларимиз томонидан яратилган янги серхосил, эртапишар, тола чиқими ва сифати саноат талабларига жавоб бера оладиган ғўза навлари районлаштирилиб экилиб келинмоқда. Ушбу ғўза навларини қай бири вилоятимиз тупроқ-иқлим шароитига мос келади, ҳосилдорлиги, тола чиқими ва сифати юқори бўлади ҳамда тезпишарлигини ўрганиш мақсадида “Омад” ғўза нави андоза нав сифатида , ЎзПИТИ-1602, ЎзПИТИ-2601, ЎзПИТИ-202, Хоразм-127, Хоразм-150, Зарафшон, С-278, Андижон-34 ҳамда Адолат ғўза навлари олинди.

Тажриба даласидаги ғўза навларининг ўсиш-ривожланиши 2020-2022-йиллар давомида ҳар ойнинг биринчи кунда яъни 1-июн, 1-июл 1-август ва 1-сентябрда фенологик кузатувлар олиб борилган. Ушбу фенологик кузатувлар натижасида ўсимликларнинг ўсиши-ривожланиши, гуллаши ҳосилга кириши ва кўсакларнинг очилиш суратлари ва ҳосилдорлик аниқланди. Олинган натижаларга кўра ғўзанинг бўйи ўртача июн, июл, август ойларида 13,1см дан 16,1 см гача, 41,5см дан 49,0 см гача ҳамда 77,5см дан 88,2 см гачани ташкил этганлиги кузатилди. (жадвал-1).

Ҳосил элементларининг ғўза навлари бўйича шаклланиб бориши эса қуйидагича бўлганлиги кузатилди. Август ойида андоза Омад ғўза навида 5,2 дона тугунча ва 6,1 дона кўсак, Зарафшон ғўза навида 7,5 дона тугунча ва 7,7 дона кўсак мавжудлиги кузатилди. Сентябрь ойида эса андоза Омад ғўза навида 6,5 донани, ЎзПИТИ-1602, Зарафшон, С-278, Хоразм-150 ғўза навларида 7,0-8,4 донани ташкил этиб Омад ғўза навида нисбатан 0,5-2,2 донага кўп бўлганлиги ҳисобга олинди. Энг кўп ҳосил элементлари Хоразм-150 11,2 дона, Адолат 11,2



**«EKOLOGIYA VA ATROF MUHIT MUHOFAZASI
MUAMMOLARI VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI»
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya**



дона, Зарафшон 11,9 дона, С-278 ғўза навларида 12,4 дона тўпланганлиги кузатилди.

1-сентябр ҳолатида кўсақларнинг очилиш суратларини кузатганимизда куйидагича натижалар олинди.

Андоза нав сифатида экилган Омад ғўза навида 39,2 % ни ташкил этган бўлса, қолган ғўза навларида ЎзПИТИ-202 да 26,1 %, ЎзПИТИ-2601 да 33,0%, Хоразм-150 да 30,3%, Хоразм-127 да 28,0 %, Андижон-34 да 34,5%, Адолат да 30,0% ни ташкил этиб андоза навга нисбатан биров очилиш суратлари пастлиги кузатилган бўлса, Зарафшон ҳамда С-278 ғўза навларида кўсақларни очилиш суратлар юқори 44,5-46,0 % бўлганлиги қайд этилди.

Тажриба даласида ҳосилни йиғиб териб олишда 1 ва 2- терим ўтказилиб 3 қайтариқда барча пахта ҳосили териб олиниб ҳосилдорлик аниқланди (жадвал-2).

**Районлашган ҳамда истиқболли ғўза навларининг ўсиши ва
ривожланиши.(2022-й)**

жадвал-1

№	Ўза навлари	чин барг сони,	ўсимлик бўйи, см				ҳосил шохи, дона		тугунча сони, дона		кўсақлар сони, дона		шу жумладан очилгани	
			01.06	01.06	01.07	01.08	01.07	01.08	01.08	01.09	01.08	01.09	дона	%
1	Омад	4,7	13,6	41,5	81,3	7,3	11,6	5,2	6,5	6,1	10,2	4,0	39,2	
2	ЎзПИТИ-1602	4,9	15,4	49,0	87,2	8,7	12,0	7,1	7,0	6,8	11,1	4,8	43,3	
3	ЎзПИТИ-2601	4,8	14,0	43,4	81,5	8,2	12,0	6,6	6,5	6,5	11,0	3,6	33,0	
4	ЎзПИТИ-202	5,0	15,2	42,4	77,5	7,5	11,9	5,7	6,5	6,4	11,1	2,9	26,1	
5	Хоразм-150	5,0	16,0	48,6	86,3	8,6	11,3	6,6	8,4	6,7	11,2	3,4	30,3	
6	Хоразм-127	4,7	14,9	43,2	85,0	7,6	11,7	5,5	6,4	6,5	10,7	3,0	28,0	
7	Зарафшон	5,4	15,9	48,6	88,2	9,4	12,8	7,5	7,0	7,7	11,9	5,3	44,5	
8	С-278	5,4	16,1	46,3	82,0	9,2	12,6	7,4	7,2	8,2	12,4	5,7	46,0	
9	Андижон-34	4,6	13,1	46,0	83,8	7,2	11,6	6,1	6,6	5,6	11,0	3,8	34,5	
10	Адолат	4,8	14,2	43,3	78,0	7,1	12,2	5,7	6,5	6,4	11,2	3,3	30,0	

Уч йиллик кузатувлардан олинган маълумотларга асосан ғўза навларининг ўртача ҳосилдорлиги андоза Омад ғўза навида ҳосилдорлик гектаридан ўртача 32,7 центнерни ташкил этди, бу кўрсаткич қолган ғўза навларида яъни ЎзПИТИ-1602 да 34,5 ц/га, ЎзПИТИ-2601 да 33,9 ц/га, Хоразм-127 да 33,3 ц/га, Хоразм-150



**«EKOLOGIYA VA ATROF MUHIT MUHOFAZASI
MUAMMOLARI VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI»
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya**



да 35,2 ц/га, Зарафшон да 37,2 ц/га, С-278 да 39,4 ц/га, Андижон-34 да 34,0 ц/га хамда Адолат ғўза навларида 34,9 ц/га бўлганлиги кузатилди.

Тажриба даласида экилган ғўза навларининг барчасидан андоза Омад ғўза навиға нисбатан ўртача 0,6-6,7 ц/га юқори ҳосил олинганлиги ҳисобға олинди.

Ғўза навларининг ҳосилдорлиги.(ц/га ҳисобида)

жадвал-2

№	Ғўза навлари	Қайтариқлар			ўртача	Фарқи +,-
		2020-йил	2021-йил	2022-йил		
1	Омад	31,2	35,4	31,5	32,7	-
2	ЎзПИТИ-1602	31,5	36,4	35,6	34,5	1,8
3	ЎзПИТИ-2601	31,9	38,5	31,3	33,9	1,2
4	ЎзПИТИ-202	32,2	38,1	33,6	34,6	1,9
5	Хоразм-150	31,9	36,7	37,0	35,2	2,5
6	Хоразм-127	29,8	38,1	32,2	33,3	0,6
7	Зарафшон	35,7	38,5	37,4	37,2	4,5
8	С-278	40,3	40,9	37,0	39,4	6,7
9	Андижон-34	32,2	39,6	30,0	34,0	1,3
10	Адолат	36,4	36,1	32,2	34,9	2,2

Тажриба даласидан олинган уч йиллик кузатувлар ва тадқиқотлар кўрсаткичларига асосланган ҳолда Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос ғўза нави сифатида “Зарафшон” ва “С-278” ғўза навларини тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент 2007-йил.
2. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. Ташкент-1973 год.
3. Ғўзани парваришлаш агротехнологиялари бўйича тавсиялар. Тошкент 2010-йил.